

ТОНГЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 99 (6841)
1997 йил 20 декабрь шанба

Сотувда эркин
нархда

**Муҳаррир
минбари**

Инсон ҳаётнинг олий муъжизасидир. Улуғ аждодлар урф-одати, қадриятлари, буюк тафаккурини асрлар силсиласида узидан узидан, мангу яшаб келадиган она тарих эса ҳаммиса муқаддасдир. Зеро, биз яшаш ва унинг қадрини тарихнинг олтин саҳифаларидан ургандик. Йиллар утган сайин тарих вақтлари купайиб, тулиб бораверади. Жонажон Ўзбекистонимиз учун 1991 йил 31 август ҳам тарихий санага айланди. Шукни биз буюк орзуимиз — мустақилликка эришдик. Узоқ йиллар бизнинг маънавийтимиз ва маданиятимиз, жисмишимизни ураб олган зулм, истибод занжирларини узиб янги бир озод кунлар учун юз очдик. Ҳали бизнинг хотирамизда ғамгин из қолдирган мустамлакачилик доғлари кетганича йўқ. Уша йиллари бутун Россияда: «Ўзбекистонда тутилиш, болалар сонини купайиб кетди, уларни

меъерга солмас булмайди, текинхур ўзбекларни қандай боқамиз», — деган шов-шувлар уйғонган эди. Ваҳоланки, ўзбекининг меҳнаткаш қўллари бутун дунёни боқишга қодир эди. Ҳатто ўзларининг қора ниётлари — ўзбекларни маданий йул билан қиришга киришган «оғаларимиз» анча-мунча ниётларига ет-

Шукрлар булсинким, бутун Ўзбекистон уфқида янги кунлар бошланди. Энди бу кунларда туйиб-туйиб яшаш мумкин. Бутун она-еримизнинг кичкина бир заррасидан тортиб улугвор тоғларигача узимизники, оналаримизнинг қузидаги хотиржамлиги, оталаримизнинг юрагидаги улугворликда, болалар-

вонтирди. Мазкур суҳбатда юртбошимиз: «Ҳар бир ўзбек оиласи азалдан болажон бўлиб келганлиги, бутунги кунда ҳам шу давом эттирилиши кераклиги ва ҳар бир оиллада уртача утадан бола лозимлиги» ҳақида завқ билан гапирдилар. Бутун барча боғчалар, мактаб, лицей, гимназиялар ўзбекларнинг озод боласи учун очиқ. Бизда билим, тарбия, соғлиқ сотилмайди, барчаси текин. Россиядаги қанчадан-қанча қишлоқ мактаблари маблағ етишмаслигидан етишмаётганлигидан ҳатто болаларга қилинаётган эмлаш талбирлари учун ҳам ота-оналар пул тулаётганидан хабаримиз бор. Бизда эса буларнинг акси. Куз тегмасин, кун сайин купайиб бораётган болажонларимиз учун янги-янги боғчалар, мактаблар очилапти. Бутун талабаларимиз ўз билим малакаларини ошириш мақсадида, тез-тез

хорижий мамлакатларга бориб келмоқдалар. Бутун дунё таниётган, ўзбек халқининг номини кун сайин кутараётган ўзбек ёшларининг келажиги озодликдай эруғдир. Зеро бу эруғлик уларнинг боболари армонидан, зулм сиртмоғида қолиб кетган жонидан, орзусидан яралди. Боғчага, мактабга шошилиб йул олаётган эй ОЗОДлик боласи. Сен бутуннинг қадрини чуқурроқ туй. Чуқурроқ англа. Ушандагина мустақил мамлакатнинг эртасини ишонч билан яратасан. Самонинг қайсидир маъвосидан сенга умид билан тикилаётган боболар руҳини шод эт! Уларнинг умидвор нигоҳларини дадил нигоҳларинг билан янада мунаввар эт. Илло сен, улар қолдирган едудда, уларнинг орзусида яшаапсан.

БУГУННИНГ ҚАДРИ

дилар ҳам. Тугруқхоналарга туртинчи боласини туғиш учун келган оналар ҳақоратландилар. Қанча аёлларимиз қаттиқ зулм остида қақалоқларидан, баъзан эса жонларидан жудо булдилар. Ҳатто пахта майдонларида пахта тараётган мактаб ўқувчилари устидан дефолиация қилиш баҳонасида, дори сепилгани-ю, қанчадан-қанча болаларнинг жигар хасталигидан нобуд булганини унутганимиз йўқ.

нинг эрка, қувноқ уйинларида озодлик, мустақиллик яшамоқда.

Яқинда юртбошимизнинг «Озодлик» ва «Би-Би-Си» радиосида ишлаётган ўзбек журналистлари билан булган суҳбатлари барча ватандошларимизда катта таассурот қолдирди. Суҳбатдаги халққа яқинлик, унинг дардини юракдан англаш, озод ватанимизнинг келажигига булган буюк ишонч барчани ку-

Мактаблар қутиси


АЪЛОЧИ БЎЛИШНИНГ ЯНА БИР ЯХШИ ТОМОНИ

Аълочи бўлишнинг яхши томонлари жудаям кўп экан. У фақат катта булганида эмас кичиклигинда ҳам асқотаркан. Яқинда устозларимиз мактабимизнинг кузга қуринган аълочи ва жамоатчи ўқувчиларини йиғиб Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб борди. Биз Самарқандда Имом Бухорий, Улуғбек расадхонаси, Амир Темур макбараси, Регистон, Шоҳи Зинда майдонларини ва бошқа диққатга сазовор жойларини зиёрат қилдик. Халқимизнинг қадимги маданияти, авлод-аждодларимизнинг утмиш ҳаётидан ҳикоя қилувчи муқаддас қалам-жолар билан боғлиқ ҳикоя ва ривоятлар барчамизда катта таассурот қолдирди.

Саёҳатдан қайтганимиздан

сунг таассуротларимиз ҳақида ёзилган иншолар курик-танлови бўлиб утди. Унда Марҳабо Муҳаммадиева, Юлдуз Баратова, Эркин Абдуллаев, Шавкат Нейматов каби ўқувчилар голиб деб топилди. Устозларнинг айтишларича, яна бир гуруҳ ўқувчилар оила йилининг баҳор фаслида Бухоро вилоятига саёҳатга чиқишаркан. Айни кунларда мактабимиз ўқувчилари бу саёҳат учун қизгин тайёрланиб, чорак баҳоларини фақат «4» ва «5» баҳолар билан яқунлашга ҳаракат қилишмоқда.

Ойбек ШОХЎЖАЕВ,
Чироқчи туманидаги
А.Хўжаев номли
мактабнинг 6-синф
ўқувчиси



Катталар, эътибор беринг!

КЕЛАРМИСАН, КЕЛМАСМИСАН...

Ассалому алайкум менинг севимли газетам булган «Тонг юлдузи». Мен сенинг ҳар бир сонингни жуда интизорлик билан кутаман. Ва қизиқиш билан ўқиб чиқаман. Қисқача қилиб айтганда сенинг «ападдий» мухлисингман. Лекин ҳозир гап бунда эмас. Сени бошқа бир муаммо билан безовта қилаяпман. Бунинг учун олдиндан узр сураб, фикримни ва арзимни давом эттироқчиман. Узингта маълумки, ҳозир ҳамма ерда 1998 йил учун газета ва турли хилдаги журналларга обуна мавсуми кетаяпти. Мен ҳам дадамдан шоколадга, музқаймоққа ва сақичга олган пулларимни укам Наврузбекнинг «уткир» нигоҳидан «зур муваффақият» билан асраб қололган қисминини, қушимни бир юмиб, нафсимга насиҳат бериб, сенга шартга обуна булай дедим, лекин узим-

га маълум, сенга номаълум сабаблар туфайли сал иккиланиброқ қолдим. Негалигига барибир қизиқаётган булсанг керак-а? Унда бердисини айтгунча сал сабр қилишингга тўғри келади. Мен утган йили йил давомида мазза қилиб ўқиб юрарман, деган гузал орзу билан сенга обуна булган эдим. Аммо

Обуна — 98

бахтга қарши бундай бўлиб чиқмади. Узимдан қушмасдан, борини оширмай, йўгини яширмай, инсоф билан айтадиган булсам, сенинг ҳозиргача бор-йўғи 3 тагина сонингни олишга муяссар булдим. Унгам узим «жасорат» курсатиб, почтага суроқлаб борганим эвазига эришдим. Хуш, бу йил ҳам обуна булсам,

шундай булмаслигига ким кафолат бера олади? Э обуна булмасам, шу «Тонг юлдузи»ни ўқимасам, осмон узилиб ерга тушармиди? Ё менга зиёни тегармиди, деб қўл силтай дейману, барибир кунглим булмайди-да. Чунки сен кундан кунга ўқимайли, қизиқарли бўлиб боряпсан. Айниқса, сенинг «Иқтисод алифбоси» деган рукнинг менга жуда ёқади. Чунки узим келажакда зур иқтисодчи бўлиб, шу узимизнинг қадимий ва қадрдон Жарқурғон қишлоғимизнинг иқтисодини Англия ва Америка даражасига кузараман деган зур ниётлар билан яшапман-да. Мен ишонаманки, йиллар утгач, бир кун келиб одамлар қишлоғимиз юқорисидаги Сартулди тепаликларига чиқиб, менинг Жарқурғонимни бир-бирларига: «Эй, Қўйивой, ана сенга Америка. Биласанми бунга ким асос солган? Шу узимизнинг Хасанбойнинг ули, Нурим узоқнинг невараси иқтисод фанлари доктори, академик, Асрор Узоқов-да» дейдиган буладилар.

Э, яна гапга чалғиб «қовун


тушириб» қуйдим-а. Айбга буюрмайсан, чунки халқимизда: «Орзуга айб йўқ», — деган ажойиб, айниқса мендақа хаёлпарастлар учун жуда қўл келадиган, муносиб мақол бор. Шундай қилиб десанг бу йил ҳам сенга жон деб обуна буламану яна утган йилгидек сарсон буладиган булсам, завқим сунади-да. Лекин-чи, мени ҳамма «оптимист» деб мақтайди. Шунинг учун ҳам «оптимистлигимга» бориб, кунглимни чуқирмай бир нарсани кутаяпман. Балки газетани етказиш буйича мутасадди амакилар: «Бу Асрортой ўзи буладиган бола, шул сабабли яримта-юрумта ўқиб, газетанинг бир сониди босилган бир материалнинг давоминини бир ой, гоҳида икки ой, баъзида эса ярим йилдан сунг ўқиб, фикрини жамломай, анчагина қийналиб, тафаккури саёзлашиб юргунча ҳаммасини бира тула ўқиб мазза қилақолсан, дея йиғиб юришган булса, балки янги йил арафасида ҳаммасини бирданга беришар. Мен эса бунинг уртоқ-

ларимга, аълочилигим, жамоатчилигим ва узоқни кузлаб иш юритишимга берилган муносиб ва ажойиб совға деб мақтанарман, дея умид қилиб юрибман. «Яхши гапга ҳам, ёмонига ҳам фаришта омин дейди», — деган экан, боболаримиз. Ажабмаски бу тилагим яна бир ойдан кейин амалга ошиб қолса. Унда ҳар йили қадрдон нафсимни ранжитиш эвазига сенга ҳеч иккиланмай обуна булардим. Энди шу десанг, узим адабиёт ва шеърятга жондан қизиқадиган боламан-да. Шунинг учун арзимнинг охирини шеърини яқунламоқчиман.

«Биз сориға келармисан, келмасмисан, било билмадим», сенга эҳтиромли салом ва мухта-сар калом билан бутун Қашқадарёда машҳур ва ҳаммага таниш биргина сенга нотаниш булган мухлисинг,

Асрорбек УЗОҚОВ,
Қашқадарё вилояти
Қамаши туманидаги
Нодира номли мактабнинг
аълочи ўқувчиси

«БОҒДОД КИЧИК АКАДЕМИЯСИ» ДА



Кўк юзин ёритар минглаб юлдузлар, Ер юзин яшнатар ўғил ва қизлар, —

дейлади гимназиямиз мадҳиясида. Дарҳақиқат, Президентимиз таъбирича, «Болалар—мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги, уни гуллаб-яшнаувчи фидокорларидир. Ўқув даргоҳимизнинг иш бошлаганига кўп булгани йўқ. Туманнинг 40 дан ортиқ мактабларидан келган 135 ўқувчи тест ва ёзма ишлар асосида танлаб олинган. Бу иқтидорли ўқувчиларнинг гимназияда билим олишга орзу-ҳаваслари жуда ҳам баланд. Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ўқувчиларга ҳар томоқлама иқтисодий таълим асослари беришга интиломқдамиз. Шу билан бирга турли тиллар: рус тили, инглиз тили ва математика фани чуқурлаштирилган ҳолда ўтилади. Уз касбининг билимдонлари Тожимуҳаммад Худойберганов, Назрулло Нажмиддинов, Зулҳумор Журсаева, Зухро Мамажоновна, Мавжуда Ҳошимова кабилар ўқитишнинг янги усулларида кенг фойдаланмоқдалар. Назорат ишлари якуни «Фарзандингиз қандай ўқийди?» кўзгусида уз аксини топмоқда.

«Кимнинг хати чиройли?», «Ким кўп балл тушлади?», «Хорижий тилларни урганамиз» мавзусида тадбирлар ўтказилиб, голиблар рағбатлантирилмоқда. Бизнинг мақсадимиз битта: болаларнинг таълим тарбиясини юқори поғонага кутариш.

Машрабжон АБДУРАҲМОНОВ,
Гимназия директори,
«Халқ таълими аълочиси»,
«Шухрат» медали
нишондори

ФАРҒОНИЙ МАРДОНА РУҲИ БИЗГА ЁР

Миллатнинг боши маънавиятдан бошланади дейишади. Биз ҳам ёшликда одоб-ахлоқли, ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишга интиломқдамиз. Устозларимиз доимо миллий қадриятларимиз, аждоларимиз панд-насиҳатлари, адабий меросимиз ҳақида тушунча бериб бормоқда. Ҳафтанинг ҳар чоршанба кuni «Маънавият ва иқтисодий тарбия» кuni деб белгиланган. Шу кuni қиладиган барча ишларимиз, тадбирларимиз шунга бағишланади. Турли маърузалар тингланади. Юсуф Хос Ҳожиб, А. Навоий, А. Яссавий каби буюкларнинг асарлари мутолаа қилинади. Синфимиз ўқувчилари Ал Фарғоний, Ал Коший, Ал Хоразмий, Али Қунчи каби олимлар ҳақида манбалар тушладилар. Барча синфларда «Маънавият сабоқлари машғулоти» лари юксак савия-

да ўтказилади. Ўқув хоналарида муъжазгина бурчак ташкил қилиб, уни маънавиятга оид китоблар билан бойитиб бормоқдамиз? Яқинда «Истиқлол нима?», «Ватан туйғуси», «Давлат рамзларини биласизми?», «Ўзбекистон — менинг ватаним», «Ким кўп ҳадис билади ва уни шарҳлай олади?» мавзуларида қизиқарли тадбирлар ўтказилди.

Гимназиямиз мадҳиясида айтилганидек,

«Ватанни севамиз, имонимиз бор,

Фарғоний мардона руҳи бизга ёр».

Зоҳидаҳон НАЖМИДИНОВА,
6-синф ўқувчиси

ТУҒИЛГАН КУНЛАРИМИЗДА

Инсон туғилган кунини дуслари, тенгдошлари уртасида нишонласа бахтиёр булса керак. Гимназиямизда ҳар кuni эрталабки ўтказиладиган тадбирларда туғилган кунлар узгача нишонланади. Тадбирларда, қувноқ қушиқлар ва рақслар ижро этилади. Сунгра синф ўқувчилари уз тенгдошларини таваллуд кунлари билан табриқлаб боради. Бу ҳолат гимназияда анъана тусига кириб қолган. Овқатланиш хонасида эса ало-



ҳида дастурхон безатилган бўлади. Турига «Таваллуд кунинг қутлуг булсин» деб чиройли ҳарфлар билан ёзиб қуйилган. Анвойи гуллар доимо яшнаб туради. Бундай қувончли кунлар кўпроқ булишини истайман.

Феруза МУРТАЗОҚУЛОВА,
5-синф ўқувчиси

АЪЛО ЎҚИШНИНГ СИРИ

Гимназияда барча фанлардан юксак даражали билим берилади. Ўқитувчилару тарбиячилар хушмуомала ва меҳрибонлар. Ҳар бир дарсени тинглаб, яна тинглагим келади. Қўнғироқ булганини ҳам билмай қоласан беихтиёр. Мен барча ўқув фанларидан «аъло» баҳога ўқишга интиламан. Устозларимнинг уғити, маслаҳатига амал қилган

ҳолда доимо китоб билан ҳамроҳман. Берилган топшириқларни ортиғи билан бажараман. Уз устимда кўп ишлайман, дарсликларни мутолаа қиламан, устимнинг кундалик режам бор. Аъло ўқишнинг сири нимада? — деб сурасангиз, аввало вақтни тежаш, буш пайтдан унумли фойдаланиш, устозлар дарс тушунтираётган пайтда диққат билан тинглаш, дарсликларни мустақил ўқиш, такрорлаш деб биламан ва буларга доимо ўзим амал қиламан. Шунинг учун, гимназияда биринчи чорақда «Ким кўп балл тушлади?» қуригиди голиб чиқдим ва рағбатлантирувчи мукофотга эга бўлдим. Мен қанча нарсани билсам, яна шунча нарсани билишни истайман.

Алишер УМРИДДИНОВ,
6-синф ўқувчиси

ЎРГАНЯПМАН, ЎРГАТЯПМАН

Мен гимназиянинг 2-синфидан ўқияпман. Бизга Зухраҳон



дуст-уртоқларим жуда кўп. Лекин... Элдор ўзи бошқача. Гимназияга биринчи келган кунлардаёқ ўзимни бошқача сездим. Бегона болалар, уларга ҳеч қушила олмадим. Партадошим Элдор эса ўзининг математик иқтидори билан мени ром этди. Одобини қўя беринг, яхши озода кийинади. Ўзини ҳеч катта олмайди. Ҳамма синфдошларини ҳурмат қиладди. Ҳар қандай масала- мисолни тезда ечади. Тез орада иккимиз дуст бўлиб қолдик. Менга у ҳар томонлама ердан бера бошлади. Ҳозирда мен ҳам синфнинг фаол ўқувчисига айландим. Гимназия менга шундай қадрдон дуст топиб берганидан хурсандман.

Тўланбой АБДУҒАФУРОВ,
6-синф ўқувчиси

ДАРСДАН СЎНГ-ЧИ, ДЕЙСИЗМИ?

Мен ёшлигимдан ижод қилишни яхши қураман. Буш бўлдимми, қўлимга қалам олиб

алланарсаларни ёзиш билан машғул буламан. Узоқ-узоқларга нигоҳимни қадаб, қўлимни узатсам, орзумга етсам деб ҳаёл сураман. Ўзбек миллий мусиқасига уйнагим келади. Онам Сабоҳон мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Гимназия очилиши билан мени ўқишга олиб келди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, 4-синфга қабул қилиндим. Ҳозир 5-синфда таълим олмақдаман. Бизнинг бу ерда тулик билим олишимизга ҳамма нарсга етарли. Устозларимизнинг ҳар бир дарси биз учун ажойиб ва гаройиб. Дарсдан сунг-чи, дейсизми? Турли тадбирлар, тугараклар машғулотлар ўтказилади. Мустақил мутолаалар учун хоналар етарли. Буш пайтимизда ҳеч қачон зерикмаймиз. Турли мунозаралар, спорт мусобақалари, учрашувлар, турли уйинлар бўлиб туради. Яқинда «Гимназия шоири» мавзусида ўтказилган танловда фахрли уринни эгалладим. Бу голиблик мени кўп ўқиш ва урганишга ундайди.

Сайёраҳон АКБАРОВА,
5-синф ўқувчиси

ОРЗУИМГА ЭРИШДИМ

Мен мактабда ўқиб юрган пайтларимда радио орқали ту-



шунилиши қийин булган сузларни қўлаб эшитар эдим. Дадман сурасам: «Булар бозор иқтисодиётига оид, сен катта булсанг билиб оласан», — дерди. Мен тезда катта булишни хоҳлардим.

Мана тумандаги янги очилган иқтисодиёт гимназиясига қабул қилиниб, тенгдошларим қатори уз орзумга етдим. Бу ерда барча синфларда «иқтисодий билим асослари» фани кенг ўқитилмоқда. Устозимиз Олимжон Акбаров утиладиган ҳар бир машғулотни амалий ҳолда, мисоллар билан олиб боради. Айниқса, «иқтисодиёт атамаларини биласизми?» мавзусидаги тадбир жуда қизиқарли ўтди. Ҳар ҳафтада «Атамалар доскаси»да янги иқтисодий сузлар ва уларнинг изоҳи мунтазам бериб борилади. Тумандаги «Барно», «Ғайрат» хусусий дуконларига тажриба алмашгани бордик. Шу билан бирга Қўқон шаҳар «Роҳат» хусусий фирмаси раҳбари Нурилло Ҳожи Абдуллаев билан ўтказилган дарс машғулоти барчанинг ёдида учмас из қолдириди.

Мен ҳозир биржа, брокер, валпота, вексель каби атамаларнинг изоҳини жуда яхши биламан. Келажакда брокер буламан.

Сарваржон АБДУАЗИЗОВ,
6-синф ўқувчиси

ЖАЖЖИ КУТУБХОНА

Мен буш пайтларимда китоб мутолаа қилишни ёқтираман. «Ўзбек халқ эртақлари», А. Орипов, М. Юсуф, Э. Воҳидов ва бошқа ўзбек шоирларининг шеърларини ўқиб ёд оламан. Булар, албатта менинг адабиёт фанидан яхши баҳолар олишимга катта ердан бермоқда. Гимназиямиз кутубхонасидаги болаларга бағишланган қўшгина бадий асарларни ўқиб чиқдим. Адабиёт фанидан дарс берадиган устозимиз Мақсуда опанинг таклифи билан синфимизда кутубхона ташкил қилдик. Синфдошларим уз хоҳишларига қўра уйларидаги ота-оналари ўқиб чиққан бадий асарларни олиб келишди. Тушланган бадий асарлар таъмирланганидан сунг яроқли ҳолга келтирилди. Биз булардан дарс ва дарсдан ташқари пайтларда унумли фойдаланмоқдамиз. Муъжазгина кутубхонамиздаги китоблар сони тез кунда 100 дан ошиб кетди.

Маффуза ШАМСУДДИНОВА,
5-синф ўқувчиси



Маслаҳат

ГУЛ ПАРВАРИШЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Гул устиришнинг ҳам узига яраша машаққати бор, албатта. Ҳатто узилган гулларга ҳам эътибор билан қаралмас экан, улар тезда курксизланиб, сулиб қолади. Гулларни тўғри парваришда қуйидагиларга амал қилиш лозим.

Хона гулларини меъеридан ортиқча сугориш қурғоқчиликдан кура хавфлироқдир. Уларга эҳтиёждан ташқари сув қуйманг.

Янчилган ва қанд упаси қушилган тухум пучоғи хонаки гуллар учун энг зарур озуқа ҳисобланади.

Саллагулни қайта утқазётганингизда синдирилган илдизчаларни ташлаб юборманг. Уларда уйғонманган куртаклар булиши мумкин. Уларни ерга утқазсангиз, келгуси йил нишона беради.

Дейлик сизга гул ёки гул гунчаларини совға қилишди. Сиз албатта уларни гулдонларга солиб қуясиз. Гулдондаги гулларингиз узоқ вақт сулимай, хонангизга чирой бериб туришини истайсизми? Истасангиз мана шундай йул тутганингиз маъқул.

Соясевар гулларни унча баланд булмаган жавонлар устига ёки қуёш нури тушмайдиган ерга қуйиш лозим.

Гул солинган гулдонни очик ойна олдиға ёки елвизак жойға қуйиш мумкин эмас. Шунингдек, уларни қуёш нурига қуйиш ҳам тавсия этилмайди.

Хризантема гулини кесиб эмас синдирмоқ даркор.

Гунчалар тезроқ очилиши учун гулдон сувиға новшадил спирти (1 л. сувға 1,2 чой қошиғи миқдорда) аралаштириб солинг.

Сулиган долаларни «тириктириш» учун, уларни ёниб турган лампочка тағиға бир муддат қуйиб олиш кифоя.

Битта гулдонга хилмаҳил гулларни солиб қуйиш яхши эмас. Қалампиргул ва марваридгул бошқа гулларнинг сулишини тезлаштиради. Атиргул, чиннигул ва нилуфарни алоҳида тутсангиз, узоқ вақтгача уз тетиклигини сақлайди.

Радиоприёмник устига атиргул ва чиннигулни қуйиш ярамайди. Улар ҳатто сезилар-сезилмас овоз тулкинларига ҳам таъсирчан булиб, тез сулиб қолади-лар.



«Ойнаи Жаҳон» — болаларга




Азиз ўқувчилар! Мустақил Республикамизда «Инсон манфаатлари йили» бўлган 1997 йил ҳам охираб борапти. Йилмизга қисқа сарҳисоб қилсак: ушбу йилда мамлакатимиз тарихида ажойиб воқеалар бўлиб ўтди. Бу йил илк бора устоз, ўқитувчи, муаллимларнинг касб байрамлари умумхалқ байрамига айланиб кетди. 300 дан ортиқ ўқитувчи, муаллимлар Ватанимизнинг энг юксак ордени ва медалларига сазовор бўлди.

Қадимий ва ҳаммиша навқирон Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги кенг нишонланди. Буюк қомусимизнинг 5 йиллиги катта тантана билан ўтди. Республикамизнинг иқтидорли ўқувчиларидан 33 нафари чет элларда бўлиб ўтган турли ҳалқаро фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, қимматбаҳо нишонларнинг совриндорлари бўлишди. Халқ таълими соҳасида ҳам бир талай ютуқларга эришилди. Юзлаб боғчалар, ўнлаб мактаблар қурилиб ишга туширилди. Улар болалар ихтиёрига берилди. Йил давомида эришаётган ютуқларни бирма-бир санаб улгуриш қийин албатта. Улар ҳақида сиз сеvimли газетангиз «Тонг юлдузи», «Ойнаи жаҳон» экранларида кўриб, томоша қилдингиз. Шу йилнинг 22-28 декабр кунлари сиз азиз ўқувчиларга қуйидаги кўрсатувларни ҳавола этамиз:

- ДУШАНБА, 22 декабр**
 Уз. ТВ — I дастур
 9.20 «Эртақлар — яхшиликка етаклар» Курсатувада сиз болаларга манзур бўладиган ўзбек халқ эртағи сахналаштиридиб, намойиш этилиб, унда Йулдош Охунбоев номли Республика ёш томошабинлар театрининг таниқли санъаткорлари иштирок этади.
 18.10 «Олтин тақа» мультфильми.
 18.20 «Дунё курган болалар». Курсатувада Республикамизнинг энг иқтидорли болалари ҳақида хикоя қилинади.
 20.10 «Оқшом эртақлари». Унда болалар учун ибратли ўзбек халқ эртақлари ва мультфильмлар намойиш этилади.
 Уз ТВ II-дастур
 18.20 «Ерилтош», мульттуплам.
 18.35 «Табиат дунёси». Уз ТВ-IV дастур
 18.45 Мульткарусель.
СЕШАНБА, 23 декабр
 Уз ТВ I-дастур
 9.25 «Соғлом авлод учун». 10.30 «Инглиз тили». 11.00 «Ялқов», мультфильм. 18.10 «Тимсоҳ ва шер исканжасида», мультфильм. 18.20 «Қушигим-жон қушигим». Курсатувада болалар шоирлари ва бастакорларининг қиш мавзусида ёзилган кувноқ қушиқлари ҳақида суҳбат утказилади. Курсатувни Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ерматов олиб боради.
 20.10 «Оқшом эртақлари». Уз ТВ-II дастур
 18.20 «Ерилтош» мульттуплами
 Уз ТВ-IV дастур
 18.50 «Мульткарусель»

- ЧОРШАНБА, 24 декабр**
 Уз ТВ-I дастур
 10.30 «Янги алифбони урганамиз»
 10.00 «Рақс, рақс, рақс»
 12.20 «Чамандаги гуллармиз». Республика курик-танловларида голиб булган санъат гунчалари иштирок этади.
 18.10 «Шарқ табобати сирлари»
«ҲАММА КҮРИШИ ШАРТ ЭМАС»МИШ...
 Телевидениеда шундай курсатува пайдо бўлди. Тили ўзбекча-ю, ўзи худди Москванинг биринчи каналидан намойиш этилаётганга ўхшайди. Аммо марҳум Юрий Никулин урнида... Майли, номини айтмай қуя қолай! Аммо Ўзбекистон телевидениесига «ОҚ ТУТИҚУШ»ни келтирмоқчи булган бундай курсатувларнинг пайдо булиши менинг гашимга тегди. Уз ижодкорлигимиз билан уз «Америкамизни очиш»га қодир халқ фарзандларимиз. Нега энди бундай кучирмакашликка берилдик? Тугри, кимгадир тақлид қилиб машҳур булиб кетган, иқтидор, истеъдоди қирраларини намоён этганлар жуда кўп. Аммо тақлидона курсатувлар бу қалар бачканалик билан, очик-ойдин кимдан, нимадан кучирмакашлик қилаётганини осон сездириб қўймайсин-да! Сир эмас, телевидениемизда шундай курсатувлар пайдо булиб, гуруримизни баланд қилиб, узликка қайтаётган кунларимиз тишга тегади-да! Мазмунини бир, номлари бошқа курсатувлар ҳам купаяётганидан синчков томошабинлар таъвишланмоқда...
Муҳаббат КАРИМОВА,
Ўртачирчик туманидаги 38-мактабнинг илмий бўлим мудири
 Тахририятдан: Шақда нусха кўчириш бору, лекин мазмунан ўзбегона бу курсатува кўпчилигимизга манзур.

- 20.10 «Оқшом эртақлари». Уз ТВ-II дастур
 18.20 «Ерилтош». Мульттуплам.
 18.35 «Табиат дунёси». Уз ТВ-IV дастур
 18.45 Мульткарусель.
«ДУНЕ ВА БОЛАЛАР» Курсатувада чет эллик болалар ҳаётидан лавҳалар томоша қиламиз.
ПАЙШАНБА, 25 декабр
 Уз ТВ-I дастур
 10.05 «Идрок»
 10.30 «География»
 11.00 «Алифбо сабоқлари»
 11.30 «Фил йуқолди». Бадийий фильм.
 12.40 «Биз танлаган йул»
 13.40 «Талаба ва спорт».
 18.10 «Беш бармоқ». Курсатувада болалар ҳаётидан олинган видеолавҳалар намойиш этилади, нуруний отахон ва онахонларимиз болалик йилларини эслаб, унутилмас хотираларини гапириб берадилар.
 20.10 «Оқшом эртақлари»
 Уз ТВ-II дастур
 9.00 «Болалар дунёси»
 18.15 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
 Уз ТВ-IV дастур
 18.45 Мульткарусель.
ЖУМА, 26 декабр
 Уз ТВ-I дастур
 9.35 «Сени ватан кутади!».
 10.30 Немис тили.
 12.50 «Сайқал» видеоканали.



- 13.40 «Алиса кузгу орти улкасида». Мультфильм.
 18.10 «Асалари булган экан». Мультфильм.
 20.10 «Оқшом эртақлари». Уз ТВ-II дастур
 9.00 «Аралаш-қуралаш».
ҲАМСУҲБАТИМ, ҲАМРОҲИМ МЕНИНГ!
 Қариганингизда ишдан, рузгор ташвишларидан нари булганингизда нима қилишингизни билмай қоларкансан. Бир дардқаш, суҳбатдош ахтарган қарияларнинг инжиқлиги ҳам шундан. Рост гап, баъзан набираларим ҳам «куп гапирманг, бувижон»... дебишга шунгиб туришларидан ҳам буни ҳис қиламан. Шундай дамларда телевизор менинг ҳаминшалик ҳамроҳим, ҳамсуҳбатимдир. Кейинги пайтларда ойнаи жаҳон орқали «ИМОН» курсатувини беришиб жуда яхши иш қилишяпти-да. Эътиқодли, имонли одамларимиз «Имон» буладиган кун болаларини ҳам енига олиб шу курсатувини курсам, — дейишади. Йилди рамазон ойи яқинлашаётган шу кунларда «Имон» каби курсатувларни купайтиришсин. Биз каби қариялар учун эмас, балки сиз — набираларим учун ҳам инсонийлик дари булади бу курсатувлар, — деб набирамга шу хатни ездирдим. Набирам болалар учун бериладиган курсатувларни газета орқали билиб олади-да, кейин телевизорни қуяди. Болалар вақтини тежайдиган газетангдан айланай, менинг гапларимни ҳам шу газетага езиб юбор, дедим. Салом билан,
РОБИЯ МОМО,
Хатни оққа кўчирувчи Алишер ШОМУРОДОВ,
Булунгур туманидаги 22-мактаб ўқувчиси

- 18.20 «Бор экан-да, йуқ экан». Уз ТВ-IV дастур
 18.45 «Мульткарусель».
 19.05 «Умид чечаклари».
ШАНБА, 22 декабр
 Уз ТВ-I дастур
 9.30 «Орзулар қанотида».
 10.10 «Уйла, изла, топ!» теле-беллашуви.
 11.15 «Петянинг орзуси» мультфильми.
 18.00 «Гулгунчалар».
 18.20 «Мульттолам».
 19.50 «Оқшом эртақлари». Уз ТВ-II дастур
 9.00 «Бор экан-да, йуқ экан».
 18.20 «Боланинг тили».
 19.15 «Табиат шифохонаси». Уз ТВ-IV дастур
 9.25 «Шанба эртағи».
 11.15 «Биргаликда куйлайлик».
 12.45 «Корейс тилини урганамиз».
 18.45 «Мульткарусель».
 19.50 Шанба оқшомида.
 20.15 Болалар сузлаганда.
 22.45 Бу ажиб дунё.
ЯҚШАНБА, 28 декабр
 Уз ТВ-I дастур
 8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
 10.00 Ватанимга хизмат қиламан».
 13.55 «Болалигим—пошполим-гим». Боғча болалари ва бошланғич синф ўқувчиларининг Янги йил тарадудлари ҳақидаги лавҳалар намойиш этилади.
 18.00 «Янги йил эшик қоқмоқда». Курсатувада болаларини Янги йил байрамлари намойиш этилади. Курсатувада халқаро олимпиада голиблари булган уқувчилар уз ютуқлари, эришган муваффақиятлари ҳақида сузлаб берадилар. Янги йиллик болалар цирк дастаси узларининг ажойиб номерларини намойиш этадилар. Шунингдек курсатувада бир гуруҳ ўқувчилар Янги йил, Қорбобо ҳақидаги кувноқ қушиқ ва шеърларни айтиб берадилар.
 Уз ТВ-II дастур
 9.00 «Боланинг тили».
 9.55 «Табиат шифохонаси».
 18.15 «Мультпанорама».
 19.00 «Синфдош».
 Уз ТВ-IV дастур
 9.00 «Хайрли тонг!».
 9.55 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
 16.10 «Мультэкран».
 16.50 «Сенинг вақтинг».
 18.45 «Мульткарусель».
 Бу ҳафта сизлар учун тайерландиган курсатувларимиз ана шулардан иборат.
 Курсатувларимиз ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз, азиз ўқувчилар!
Тоҳир МУЛЛАБОЕВ

ЖАМАЛАКСОЧ ҚИЗГИНА

Жамалаксоч қизгина, Чақнаган юлдузгина. Сен гулистон гунчаси Гул эмас, кундузгина.

Кўлларида атиргул Бир оламга татир гул Сен ўзинг гўё гунча Ҳали бор очилгунча.

Бахтингни тўқис қилсин, Тегрангда қуёш кулсин. Жамалаксоч қизгина Ҳали бор очилгунча.

Жамалаксоч қизгина, Чақнаган юлдузгина. Сен гулистон гунчаси, Гул эмас кундузгина!

Абдуолим ЮСУПОВ, Жиззах вилояти Катертол қишлоғи 48- ўрта мактаб ўқувчиси



СПОРТ — ЖОНУ ДИЛИМИЗ

Мен спортнинг тош қутариши, каратэ, миллий кураш турларига жуда қизиқаман. Мактабдан қайтгач Қосимжон, Машғал ва Дилмуродлар билан биргаликда ҳовлимиз турда узимиз ташкил қилган спорт майдончасида мусобақа ўтказамиз. Ким очко йиғса уни баҳолаб борамиз. Жисмоний машқ бизнинг жону дилимиз. У бошқа фанларни янада яхшироқ улаштиришимизга ёрдам беради. Миямиз дам олиб, чарчокларимиз тезда чиқади. Энг муҳими соғлигимиз тикланиб, танамиз чиниқиб боради. Ахир биз булажак аскарлармиз-ку.

Зафар ОМОНОВ, Ургут туманидаги лицей ўқувчиси

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Отаси — Кампир энди ҳаммадан бой бўлиб кетади. Қасрдай ҳовли-жой қурдириб олади. Яна... Эҳ-ҳа... Гулнор — (ҳазиллашиб) Тилла-тилла! Вой Анор-ей! Ажойиб! Отаси — Ҳа, ажойиб! Аммо сенинг эмас, уша дудуқ қариянинг стимча Анорнинг бир қоп тилла ёнғоғи бор. Бир қоп-а, бир қоп! Отаси — Уф-ф!.. Ҳа, энди келиб-келиб бир қашшоқ қария барча бойлардан кура бойроқ. Куяман-да, куяман...! Отаси — Қақшаган қашшоқларнинг тусатдан бой-бадавлат бўлишига тоқат қилиб бўладими, ахир? Отаси — Анор дедингми... Уша бир уртоғи билан ёнғоқ тергани урмонга борган экан. Урмонда унга бир сеҳргар кампир йулиққанмиш. Гулнор — (ҳаяжонланиб) Ача!.. Анор мен билан урмонга борган эди. Отаси — (урнидан туриб кетиб) Нима? Сен билан?! Сен билан борган эдимиз? Гулнор — Ҳа, мен билан борган эди. Мен у терган ён-

ниб қарашади. Отаси — Хой, Гулнор! Адашмайсанми? Гулнор — Йўқ-йўқ! Худди шу ерда узимнинг овозимдай овозни ҳам эшитдим. «Мен — узингман, сенман», — деди. Отаси — Нима-нима? Овоз дедингми? «Узингман», — деди дейсанми? Отаси — Хой-ҳой! Нималар деясан ўзи? Овоз дедингми? Лақиллатяпсанми?.. Гулнор — Йўқ-йўқ! Худди ўз овозимдай овозни эшитдим! У: «Мен узингман», — деди. Отаси — А-а! «Мен узинг-

Янги йил мактаб саҳнаси учун

ман», — деди? Отаси — Жуда галати жой-ку! Бири тилла тангали ёнғоқ олиб кетса. Бири ўз овозини эшитиб, пуч ёнғоқларни териб кетса! Галати! Гулнор — Ёнғоқ теравериб белим оғриб кетди. Хазонларни титкилаб қарайвериб бармоқларим учигача зирқиради. Кейин тусатдан овоз келди.

АБДУЛЛА УЛУФОВ

ЭНГ БАХТЛИ КУН

(Икки парда, тўрт кўринишли пьеса)

роқларни қопимга солиб, якка узини талаб жунаб кетган эдим. Отаси — Нега унда сен келтирган ёнғоқлар бари пуч? Отаси — Келтир! Уларни келтир! Чақиб курайлик! Зора чиқиб қолса!.. Гулнор қонини келтиради. Отаси, онаси, ўзи ёнғоқларни олиб чақа бошлади. Отаси — (жаҳлланиб) Айтмадимми, бунга бари пуч! Отаси — (газабланиб) Пуч! Пуч! (ёнғоқларни ҳар томонга ота бошлади) Пуч! Пуч! Пуч! Дудуқ қариянинг етимчаси тилла тангали ёнғоқ келтиради. Бир қоп-а, бир қоп! Бунинг нукул пуч ёнғоқни теради. Мана, қара, пуч! Пуч! (ёнғоқларни ҳар тарафга ота бошлади). Отаси — Сеҳргар кампир йулиқибди, дедингизми? Отаси — Ҳа-ҳа! Отаси — Ҳа! Ҳамма гап уша сеҳргар кампирда-да! Отаси — Ҳозироқ урмоннинг уша жойига жунаймиз. Зора, бизга ҳам уша сеҳргар кампир йулиқиб қолса!..! Отаси — Ҳа-ҳа! Тугри! Тугри! Зора уша кампир... Гулнор сен уша жойни биласан-а! Гулнор — Ҳа-ҳа! Биламан! Отаси — Қани, булмас уша еққа тезроқ бошла! Гулнор — Ахир, ахир... Отаси — Уртоғинг билан ёнғоқ теринг борган жойинга бошла. Қани, тезроқ! Кетишади. ТУРТИНЧИ КУРИНИШ Саҳнада биринчи пардадаги манзара. Улкан дарактлар ортидан тоғ чуққилари қуришиб туради. Гулнор, отаси, онаси кириб келишади. Гулнор — (Кўллари билан атрофни курсатиб) Мана шу ерга келган эдик. Отаси-онаси атрофни айла-



«Мен — узингман. Анорнинг қопидаги ёнғоқларни узингникига солиб ол-да, уйингга жун», — деди. Мен унинг айтганини бажардим. Қоронги бўлиб бораётган эди. Анорнинг узини якка ташлаб уйга жунаб юбордим. Отаси — А-а! Ростданми? Саҳна қоронгиланша бошлади. Гулнор — Отажон, уйга кетмаймиз-ку? Отаси — (қурқиб) Тунда урмон жуда ваҳимали булар экан-да. Отаси — Ваҳима қилма. Бу хилватда бир сир бордай... Гулнор — (тоқатсизланиб) Отажон, кетайлик! Уйга қайтайлик. Отамга айтинг. Айтинг. Отаси — Тонг еришгунча шу ерда турайлик. Қоронгида бу хилват урмонда адашиб кетармиз. Бу ерлар жуда сирли жой! Отаси — Ундай булса... майли. Отаси — Бир кеча минг кеча булмайди!

Отаси — Майли... майли... Уларни ёнида Анорга дуч келган кампир пайдо бўлади. Улар сезишмайди. Кампир — Майли, дея қол, қизим! Отаси — (чучиб кетиб) Сиз кимсиз ўзи? Отаси — (қурқиб) Кимсиз? Гулнор — (ҳаяжонланиб) Ассалому алайкум бувижон! Кампир — Ваалайкум ассалом, опшоқ қизим. (Гулнорнинг ота-онасига) Аввал савол эмас, салом берилади, шекилли. Отаси — (чучиб) Ҳа-ҳа! Тусатдан пайдо бўлиб қолганингиза довдираб, узимизни йуқотиб қуйибмиз. Отаси — (шошилиб) Узр-узр! Билмадим-билмадим! Сиз Анорга йулиққан кампирсиз. Гулнор — Вой, қандай ажойиб! Отаси — Вой, ростданми? Отаси — (икки қўлини куксига қуйиб, хушомадона) Сиз қизимнинг уртоғига бир қоп тилла тангали ёнғоқ бериб юборгансиз. Тугрими? Топдимми?

Билмасам!.. Отаси — (жаҳлланиб) Вой-вой! Сенга ҳозиргина нима дедим-а? Отаси — Қизимиз уяляпти. У бизга уч қоп, йўқ-йўқ, юз қоп тилла тангали ёнғоқ беринг, демоқчи! Кампир — Уларни нима қиласизлар? Отаси — (шошилиб) Уларни... уларни... Қани энди улар булса?! Отаси — Уларни... Уларни... Нима десак экан?.. Билагузук дегандай.. Кампир — Сизларга шунчалик қоп тилла керакми? Отаси — (ҳовлиқиб) Ҳа-ҳа! Жуда қоп керак, жуда қоп! Жуда қоп. Отаси — Ҳа-ҳа! Кампир — (Гулнорга) Қизим, шундайми? Гулнор — Билмасам... Отаси — (газабланиб) Вой-вой! Нега ундай деясан. Юз қоп керак де! Керак де! Куп керак де! Отаси — Куп керак де, қизим! Куп керак десанг-чи! Юз қоп! Юз қоп! Кампир — Тилладан кура бебаҳо бойлик бор. Биласизларми? Отаси — (ҳовлиқиб) Йўқ-йўқ! Тиллага тенг бойлик йўқ! Кампир — (онасига) Шундайми? Отаси — (талмовсираб) Зеб-зийнатлар ҳам яхши. Кийим - бош ҳам яхши. Зебигардон, билагузук яхши. Барибир ҳаммасидан тилла яхши! Кампир — Наҳотки? Гулнорга Сен нима дейсан, қизим? Гулнор — Билмасам... Отаси — (жаҳлланиб) Вой-вой! Бунинг уйқусираяптими ё талмовсираяптими? Куйдим! Бунингдан куйдим, хотин! Куйдим... «Билмасам, билмасам» дан ҳам булак гапни биладимиз? Отаси — Тилла яхши де, қизим. Десанг-чи? Гулнор — А-а!... Отаси — Нукул талмовсирайди-я! Вой-вой! Кампир — (Гулнорга) Сен нимани хоҳлайсан, қизим? Гулнор — (ота-онасига қараб-қараб) Менми... Менми... Кунглимни... қуришни... Отаси — (жаҳлланиб) Вой-вой! Куйдим-куйдим! Нималар деяпти ўзи бу? Отаси — (таажжубланиб) А-а! Нима дейсан?! Кампир — Қизингиз ўзи ниётини айтди. Ҳеч кимга: на Сизга (отасини курсатиб), на сизга (онасига ишора қилиб) айта олмайдиган тилагини айтди. У кунглини, яъни узини курмоқчи. Отаси — (таажжубланиб) Нима у кунгил? Нима у? Отаси — (таажжубланиб) Нима у? Кампир — Кунгил — кунгил тоғ-тоғ тиллалардан кура буюк бойлик! Отаси — (ҳаяжонланиб) А-а! Тилладан-а?.. Отаси — А-а?.. У ҳам ярқирайдими? Билагузук қилса бўладими? Зебигардон-чи? Узук, сирга-чи? Отаси — Тилладан қанча киммат туради? Сотса бўладими? Қасрлар топса бўлади?

(Давоми бор)

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ
Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА
Таҳрир ҳайъати: Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулно- ра ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ- РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВЕВ, Дадахон ЁКУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИ- МЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.
ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табақ. Буюртма — Г 4821. 10960 нусхала босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга тошпириш вақти 19.00. Тошпирилиди — 18.30. Навбатчи муҳаррир Б. Қаримов
• Руйхатдан ўтин тартиби № 000137
• Манзил: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон: 1-33-44-25; 1-36-57-91; 1-36-54-21